

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 330.115.689

ҚАЮМОВА НАРГИЗА ОЗОДОВНА

**ПАХТАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ МЕХАНИЗМИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 - “Эконометрика ва статистика” ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент -2004

Диссертация иши Тошкент Давлат аграр университетидида «Информатика ва ахборотлар технологияси» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар - иқтисод фанлари доктори,
профессор Асатила
Убайдуллаевич Абдурахимов

Расмий оппонентлар: - иқтисод фанлари доктори,
профессор Бозорбой
Беркинович Беркинов

иқтисод фанлари номзоди,
доцент Низомиддин
Тўлаганович Ўрмонов

Етакчи ташкилот - Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси «Замонавий ахборот
технологиялар» Илмий Техника
Маркази Кибернетика институти

Диссертация ҳимояси 2004 йил « 7 » июль соат 8:30 да
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.067.06.01 ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил « 5 » июль тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор М.С. Қосимова М.С. Қосимова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Кириш. Пахта хом ашёси – озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларнинг ноёб ишлаб чиқариш омили, халқаро савдонинг салмоқли экспорт товари, қолаверса, миллий иқтисодийётнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган молиявий маблағлар манбаларидан бири сифатида мустақиллик йилларида ҳам ўз мавқеини мустақкамлади. Чунонди, мамлакат экспорт салоҳиятининг тўртдан бир қисми пахта толасига тўғри келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг пахта хом ашёси етиштирувчи энг йирик давлати ҳисобланади ва жаҳонда пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича бешинчи ўринни (жами толанинг 5-6 %) тола экспорти бўйича АҚШ дан кейинги иккинчи ўринни (Жаҳон экспортининг 16-17%) эгаллайди.

Эңдиликда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби давлат ва нодавлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришдан иборат бўлмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта хом ашёси ва галла маҳсулотларигагина сақланган давлат буюртмасининг ҳажми ва харид нархлари ҳам босқичма-босқич эркинлаштирилмоқда.

Бироқ, пахта хом ашёси етиштиришга ихтисослашган хўжаликларнинг иқтисодий ночорлигига барҳам бериш қийинчилик билан кечмоқда. Хусусан, кўпчилик хўжаликларда пахта хом ашёси тайёрлаш шартномавий режаларининг сурункали барбод бўлиши, молиявий салоҳиятда тўловчанлик қобилиятининг пасайиши, ресурслар сарфиётида серҳаражатлилик, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан паст манфаатдорлик кабилар шулар жумласидандир. Масалан, 2000 йилда 1720 та ширкат хўжаликларининг 724 тасида зиёнлилик кўрсаткичларининг устуворлиги қайд этилди. 2002 йилга келиб 1646 та пахтачилик хўжалигининг 846 таси, 35691 та фермер хўжалигининг 17401 таси шартномавий режани удалай олмадилар. 1999-2001 йилларда санацтига тортилган жами 231 та хўжаликларнинг 119 тасида хўжалик йилини фойда билан, қолганлари эса зарар билан яқунлади. Хўжаликларнинг иқтисодий ночорлиги фақатгина унинг аъзолари турмуш даражасини пасайишига таъсир қилиб қолмай, балки қишлоқ хўжалик иқтисодийёти ривожини учун ҳам салбий таъсир этади. Шу боис пахтачиликдаги иқтисодий ночор хўжаликлар молиявий салоҳиятини ва рақобатбардошлик шарт-шароитларини мустақкамлаш, барқарор ривожланишни ташкил этиш механизмини ишлаб чиқишда эконометрик моделлаштиришнинг муҳимлиги ва зарурияти танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мамлакат аграр иқтисодийётида бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланишининг умумуслубий асослари, иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримов, С.Н.Усмонов, В.В.Ким, О.Х.Ҳикматов, И.Искандаров, А.Цамутали, Э.А.Ақромов, Ф.Қ.Қаюмов, Б.Т.Салимов, А.Қодиров, Қ.Ҳасанжонов, Р. Ҳусанов, Д.Қ.Аҳмедов, А.Абдуганиев, Қ.А.Чориев, Э.Юсупов ва бошқаларнинг тадқиқотларида чуқур таҳлил этилган. Хорижий тадқиқотчилардан эса, G.L.Cramer, C.W.Jensenn, Harrigem J., Loader R.Thriller, P.Пиндайк, Азиз ар Раҳмон, Р. Макконнелл, Л. Брю кабиларнинг ёндашувлари диққатга сазовор ҳисобланади.

Айни чоғда, агроиқтисодий жараёнлар ва муносабатларнинг эконо­ метрик воситалар асосидаги тадқиқотлар эса, С.С.Ғуломов, Т.Ш.Шодиев, Б.Беркинов, Р.Х.Алимов, Қ.С.Сафаева, А.У.Абдурахимов, С.Турғунов, А.Алмурадов ва бошқаларнинг асарларида баён этилган. Мазкур асарлар­ да миллий пахтачилик ривожини муаммолари ечимини топишда зарурий восита сифатида иқтисодий математик моделлар ва усуллардан кенг миқёсда фойдаланилган.

Дарҳақиқат, бозор муносабатларига ўтиш даврида талаб ва таклиф қонуниятларининг объектив амал қилишини таъминлашда ҳам эконо­ метрик моделлар ва замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бирок, аграр иқтисодиётда эркинлаштиришга оид тадбирларни ил­ мий асослаш соҳасидаги, жумладан хўжаликлар иқтисодий ночорлиги са­ бабларини аниқлаш, зиёнсиз ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисоблаш, дав­ лат аралашуви кўламини белгилаш, истиқболни башорат қилиш каби ва­ зифалар мажмуасини ҳал этишдаги эконо­ метрик тадқиқотларнинг камли­ ги ва тизимий ҳал этилмаганлиги салбий натижаларга барҳам беришни кечиктирмоқда. Бу эса, мазкур мавзуни чуқурроқ ўрганиш, илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Пахтачилик хўжаликлари иқтисодий ночорлигига барҳам бериш, молиявий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишини ташкил этиш механизми эконо­ метрик моделлар тизимини ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсадини белгилайди.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсаднинг амалий бажарилиши учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш талаб этилади:

- аграр ислохотлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд тўсиқ ва муаммолар таркибини аниқлаш;

- пахтачилик хўжаликлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш;

- пахтачилик хўжаликлари иқтисодий ночорликлари сабабларини ва уларни баргараф этиш хусусиятларини очиб бериш;

- ишлаб чиқаришнинг зиёнсизлик ҳажминини маржинал асослаш бўйича ишланмалар тайёрлаш;

- пахтачилик хўжаликларидаги шартномавий муносабатларни (оферта-акцепт) такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш омиллари тақчиллиги шароитида оптимал режалаштириш моделини ишлаб чиқиш;

- хўжаликлар фаолиятига давлат аралашувини такомиллаштириш йўналишларини таклиф этиш;

- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш омилларига талабини такомиллаштириш хусусиятларини аниқлаш;

- асосий ишлаб чиқариш (пахта ва галла) кўрсаткичлари башоратининг эконо­ метрик таҳлили.

Тадқиқот объеклари бўлиб, мамлакат қишлоқ хўжалигининг пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик ширкатлари ва фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, пахтачилик хўжаликлари ишлаб чиқаришга давлат буюртмаси мавжудлиги шароитида безиён ишлаб чиқариш ва барқарор ривожланишни ташкилий-иқтисодий жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари пахтачилик хўжаликлари иқтисодий ночорлигига барҳам бериш ва уларни барқарор ривожлантиришни ташкил этиш механизмини моделлаштириш бўйича тайёрланган қуйидаги ишланмалар ва таклифлардан иборат:

- аграр ислохотлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига тизимий баҳо беришнинг услубий асослари такомиллаштирилди;

- жаҳон ва Ўзбекистонда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш динамикаси танқидий таҳлил этилди ва хориж тажрибасини тадбиқ этиш имкониятлари ҳамда деҳқончилик маданиятини ошириш усуллари асослаб берилди;

- хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари (барқарорлик, ликвидлик, тўловчанлик, рентабеллик ва бошқалар)нинг назарий услубий асослари такомиллаштирилди;

- иқтисодий ночор хўжаликларни санацияга тортиш тартиби таҳлил этилди, зиёنли фаолият кўрсатишни бартараф этиш хусусиятлари очиб берилди;

- хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг безиён ҳажмини асослашда маржинал усулни тадбиқ этиш асосидаги моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилди;

- хўжаликларда шартномавий муносабатлар тизимини безиён ишлаб чиқариш алгоритмлари ва моделлари ишлаб чиқилди;

- ресурслар тақчиллиги шароитида ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этиш механизмнинг моделлари асослаб берилди;

- давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришда паритетлик индексини тадбиқ этиш усули таклиф этилди;

- хўжаликлар маблағидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда давлат аралашуви хусусиятларини такомиллаштириш бўйича ишланмалар тавсия этилди;

- хўжаликлардаги асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини башорат қилишнинг эконометрик таҳлили асослаб берилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берувчи хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолашнинг таркибий кўрсаткичлари такомиллаштирилди;

- иқтисодий ночорлик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилди;

- моделлаштириш амалиётида безиён ишлаб чиқаришни маржинал усул билан такомиллаштириш хусусиятлари таклиф этилди;

- оферта-акцепт тизимининг хўжаликлар агроиқтисодий салоҳиятига асосланган алгоритм ва моделлари таклиф этилди;

- хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолашдаги мавжуд коэффициентлар усули такомиллаштирилди;

- ишлаб чиқариш фаолиятига субсидия ва компенсация асосидаги давлат аралашувининг афзалликлари ва заифликлари таҳлил этилди;

- хўжаликлар ишлаб чиқаришининг чегаравий имкониятлари пахта ва ғалла етиштириш асосида таҳлил этилди;

- мамлакат қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда паритетлик индексини тадқиқ этиш асосида нарх диспаратетига боқичма-босқич бархам бериш механизми таклиф этилди;

- давлат эҳтиёжи учун етиштириладиган пахта ва ғалла махсулотлари ишлаб чиқаришнинг нархга нисбатан таклиф функциялари эконометрик таҳлил этилди ва башорат кўрсаткичларининг вариантлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш. Амалга оширилган илмий тадқиқотнинг натижаларидан пахтачилик хўжалиklarини ривожлантириш муаммоларини тизимий тадқиқ қилиш ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни камайтирувчи самарали дастурларни шакллантириш ва оптимал бизнес-режалар қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Услубий тавсияларимиз Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан хўжаликларда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича тадқиқ этиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари халқаро ва республика илмий конференцияларида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Хусусан, Тошкент Давлат аграр университетида «Аграр фани: ютуқлари ва истиқболлари» мавзuidaги (Тошкент, 2002) ва «Совершенствование процесса обучения экономическим дисциплинам в аграрных вузах Узбекистана» мавзuidaги (Тошкент, 2004) халқаро илмий-амалий конференцияларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Замонавий ахборот технологиялари Илмий-техника Марказининг Кибернетика институтида «Алгоритмлаш ва дастурлашнинг замонавий муаммолари» мавзuidaги (Тошкент, 2001) илмий конференцияда баён қилинган ва муҳокама этилган. Диссертация иши Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодий кибернетика» кафедралари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети 08.00.06-«Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича муаммолимувофиқлаштириш кенгаши илмий семинарларида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар. Диссертация мавзуси бўйича хорижда битта илмий мақола, республикамиз илмий матбуоти ва конференцияларида бешта мақола ва маъруза тезислари (жами ҳажмда 2,5 босма табоқ) чоп этилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 156 бетдан, жумладан матн, 139 бет, 19 та чизма ва расм, 8 та жадвал ва 104 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган ва унинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, унинг ахборот, назарий ва услубий асослари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти аниқланган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон пахтачилигининг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш муаммолари» деб номланади. Унда миллий

ва жаҳон пахтачилигининг сўнги чорак асрдаги ривожланиш динамикаси таҳлил этилган. Шунингдек, пахтачилик хўжаликлари молиявий салоҳиятини баҳолашнинг назарий-услубий асослари, иқтисодий ночорлик таҳлили ва уни баргараф этиш хусусиятлари ёритилган.

Иккинчи боб «Пахтачилик хўжаликлари фаолиятида самарадорликни таъминлаш механизмини моделлаштириш асослари» деб номланади. Бу бобда ишлаб чиқаришнинг беэиён ҳажмини белгилашда маржинал усул асосида моделлаштириш хусусиятлари, «оферта-акцепт» тизимининг беэиён ишлаб чиқариш моделлари, молиявий салоҳиятни баҳолаш ва ишлаб чиқаришни оптимал ривожланишини ташкил этиш механизмнинг моделлари ишлаб чиқилган.

Учинчи боб «Пахтачилик хўжаликлари фаолияти истиқболининг эконометрик таҳлили» деб номланади ва ишлаб чиқаришга давлат аралашувини такомиллаштириш йўналишлари, хўжалик маблағидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ва галла маҳсулотлари ҳажмининг башорати эконометрик таҳлил этилган.

Хулоса ва таклифларда тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган мантиқий умумлаштиришлар, таклифлар ва тавсиялар баён этилган.

2. ДИССЕРТАЦИЯ МАЗМУНИ

Тадқиқот мақсадидаги вазифаларни амалга оширишда агроиқтисодиётни эркинлаштириш мезони хусусиятларидан келиб чиқувчи сабабий боғлиқлик туркумларининг таснифий тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизимда эркинлаштиришнинг бошланғич шарт-шароитлари, табиий ва ижтимоий-иқтисодий зарурияти, моҳияти, мақсади, асосий тамойиллари, эришилган ижобий натижалар, нуқсонлар, тўсиқлар ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар туркумлаштирилди.

Айни пайтда эркинлаштиришнинг бошланғич шарт-шароитлари туркумига: ердан аёвсиз фойдаланиш туфайли ер ости сувларининг кескин кўтарилиши, суғориладиган ерлар шўрланиши ва шамол эрозиясига учрашининг кучайиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, ишлаб чиқариш қувватларининг моддий ва маънавий эскириши, экологик муаммоларнинг кенг тарқалганлиги ва бошқалар киритилди.

Эркинлаштирилиш жараёни давомида эришилган ижобий натижалар туркумига: пахта ва галладан бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат бунортмасининг бекор қилиниши; ерга мулкчилик ҳуқуқларининг (доимий эгалик қилиш, ижара ва бошқалар) жорий этилиши; ер қиймат баҳоси ва ягона ер солиғининг жорий этилиши; янги хўжалик юритиш тузилмаларини шаклланиши; ижтимоий ишлаб чиқариш таркибидаги туб ўзгаришлар, яъни дончиликнинг устуворлиги; бозор инфратузилмаси муассасаларининг шаклланиши; мулккий пай, ижара ва пудурат муносабатлари ва чек тизимига ўтилиши кабилар киритилган.

Эркинлаштириш жараёнидаги мавжуд нуқсонлар ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар туркуми куйидагича гуруҳлаштирилди: монополистик ва моносоник бозор шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича, асосан пахта хом ашёси етиштириш бўйича нарх диспаритетининг кучаяётганлиги; ресурслардан

хўжасизларча фойдаланиш ва серхаражатлик механизмининг давом этиши; хўжалик юритиш шакллари ўзгартиришдаги ва шартномавий муносабатларни тузишдаги расмийчилик; меҳнатни рағбатлантиришдаги юзакчилик; маъмурий-таъйиқ ва пала-партишликлар, ерга, мулкка ва меҳнатта муносабатларда янгилаштиришдаги сусткашликлар; хўжаликлар молиявий салоҳиятидаги беқарорликлар ва ночорликларга барҳам беришга кечикаётганлик; капитал маблағлар ва инвестицияларнинг қолдиқ тамойилига кўра тақсимланиши; раҳбар ва мутахассислар малакасининг пастлиги.

Диссертацияда ушбу нуқсон ва камчиликларнинг пахтачилик хўжаликлари фаолиятига ва иқтисодий салоҳиятига жиддий салбий таъсири таҳлилда ва далилий маълумотларни умумлаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

Мамлакатимизда пахта хом ашёсини тайёрлаш режасининг бажарилиши сурункали равишда барбод бўлиб, 70-75 фоиздан ортмаяпти. Қолаверса, шартномани бажарган хўжаликлар салмоғи 50-55 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса, иқтисодий ночор хўжаликлар аҳволини изчил яхшилаш борасида ўтказилаётган санация тадбирларининг натижалари ҳам қониқарли эмас. Чунончи, 2001 йилда санацияга тортилган 211 хўжаликнинг 120 таси хўжалик йилини зарар билан яқунлаганлар. Умумий фойда 2 млрд. сўм бўлгани ҳолда, зарар 6,8 млрд. сўмни ташкил этган. Умуман олганда, мамлакат пахта хом ашёси даромадидан харажатнинг ортиқчалиги 18-20 фоизни ташкил этмоқда. Диссертацияда бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги ушбу камчиликларнинг туб сабаби харидор ва сотувчи ўртасидаги рағбатлантириш механизмининг такомиллик даражасига боғлиқлиги асослаб берилди. Бу фақат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсир этибгина қолмай, бутун мамлакат ривожига хавф ҳисобланиши қайд этилди.

Шунинг учун ҳам диссертацияда мамлакат ва умумжаҳон миқёсидаги пахта хом ашёси етиштиришнинг 30 йиллик тенденцияси таҳлил этилди. Жумладан, йиллик пахта хом ашёси ишлаб чиқариш кўрсаткичлари умумжаҳон миқёсида ушбу давр ичида 1,64 марта ортган. Шундан 70-йиллардаги ўртача йиллик ўсиш 1,2 фоиз, 80 йилда эса 3,1, фоиз 90-йилларда эса барқарорлик даражаси кузатишган. Хусусан, XXI аср бошига келиб мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозорига рақобатчиси-АҚШда пахта майдонлари кенгайиб, тола ишлаб чиқариш ҳажми ортишига ҳам эришилган.

Ўзбекистонда эса, 1971-79 йилларда ўртача ҳосилдорлик 28,5 ц/га, тола ҳисобига 9,2 ц/га, толаннинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса ўртача 1580 минг тоннани ташкил этган. Сўнги уч йилда эса ўртача ҳосилдорлик 22,5 ц/га, тола ҳисобида 6,1 ц/га, толаннинг йиллик ҳажми 1,1 млн тонна ҳажмида қолиб кетди. Натижада мамлакатимизнинг пахта ишлаб чиқариш салоҳияти 70-йиллар даражасига ҳосилдорлик бўйича 66,3 фоизни, яъни ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қарийб 70 фоизни ташкил этмоқда.

Ресурслар ва истеъмол бозоридаги пахтачилик хўжаликлари имкониятларидаги харид қувватларининг ўзгариш динамикасида салбий ҳолатлар кучайган (1-жадвал).

**1-жадвал. Айирбошлашнинг пахта хом ашёси зарурий
ҳажми ҳисобидаги таққослаш кўрсаткичлари**

(тонна)

	Ресурс бозори			Истеъмол бозори	
	1 тн. дизель ёқилгиси учун	1 тн. маъданли ўғит учун	1 дона МТЗ-80 учун	1 тн. пахта ёғи	1000 м ² газлама
1990	0,064	0,07	5,86	1,48	1,42
2002	1,4	0,41	150	10,4	6,7
Харид кувати ўзгариши, марта	1:21	1:5,8	1:26	1:7,1	1:4,8

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

Тадқиқотда ҳукуматимизнинг паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлардаги серҳаражат механизмини бартараф этиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ва тадбирлар изчил умумлаштирилди. Айниқса, «Қишлоқ хўжалик корхоналари санацияси тўғрисида» қонун бу соҳадаги янги бошқич эканлиги таҳлил этилди. Мазкур қонун жорий этилгунча, яъни 1996-1997 йилларда: 1700 га яқин хўжаликнинг молиявий фаолияти зарар билан якунланган; 2154 та хўжалик баланс ноликвидлиги туфайли кредит олишдан маҳрум бўлган; 1728 та хўжалиқда дебитор ва кредиторлик қарзларини тўлаш муаммога айланганлиги учун зарурий оборот маблағлари танқисликлари ва узилишлари сурункали тус олган эди.

2000 йилга келиб 1720 та ширкат хўжалигининг 724 тасидаги молиявий кўрсаткичлар зарар билан якунлаган. 2001 йил якунига кўра, санацияга тортилган 211 хўжаликнинг 91 тасида фойда, 120 тасида зарар кўрсаткичлари қайд этилган. Санациянинг биринчи йилидаёқ, ижобий натижаларга эришган хўжаликлар фойдасининг салмоғи - 40 фоиз, бундай хўжаликлар сонининг салмоғи - 21 фоиз ни ташкил этган. Санация тадбирлари Бухоро, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида ижобий натижага олиб келган. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида зарарлиқнинг камайиши юқори бўлмаган.

Диссертацияда пахтачилик хўжаликлари молиявий салоҳиятини баҳолаш ва барқарор ривожланиш йўларини аниқлашда маржинал таҳлил усулини қўллаш хусусиятлари асослаб берилди. Яъни, ночор хўжаликларни санация қилиш, соғломлаштириш режаларини бошқа хўжаликларни ривожлантиришнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда ва хўжаликлар имкониятидан фойдаланиш самардорлигини оширишда ушбу усулни қўллашнинг зарурилиги ишлаб чиқилди.

Маржинал таҳлилни қуйидаги хусусиятларини таъкидлаш лозим: иқтисодий тадқиқотларда ўртача миқдорий кўрсаткичлардан воз кечилади ва чегаравий кўрсаткичларга эътибор кучайтирилади. Неъматнинг ҳажми унинг ноёблиги ва нафлилиги билан боғлаб таҳлил этилади; зиёнини камайтириш ва фойдасини оширишда ишлаб чиқариш омиларидан муқобил фойдаланиш имкониятлари кўпроқ тадқиқ этилади, қалтис вазиятларни батараф этишда изчил чоралар излаб топилади.

Маржинал таҳлил негизини ташкил этувчи беэиён ишлаб чиқариш функциясининг умумий кўриниши қуйидагича:

$$Q_0 = f(P, FC, \overline{VC})$$

Бу ерда:

Q_0 - беziён ишлаб чиқариш ҳажмининг бошланғич ҳажми;

P - маҳсулот бирлигини сотиш ҳажми; FC - доимий харажатлар;

\overline{VC} - маҳсулот бирлиги учун ўзгарувчан харажатлар.

Ушбу ифодадаги беziён ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлашда қуйидаги бошланғич шартлар туркумларидан фойдаланилади:

1. Харажатлар (TC) таркибининг доимий (FC) ва ўзгарувчан харажатлардан иборатлиги: $TC = FC + VC$

2. Жорий ишлаб чиқариш мавсумида доимий харажатлар қийматининг ўзгармаслиги: $FC = Const$

3. Ўзгарувчан харажатларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига (Q_0) мутаносиблиги: $VC = \overline{VC} \cdot Q$

4. Ишлаб чиқариш омиллари ($ep(S)$, меҳнат(L), капитал (K) ҳажми) ва маҳсулот нархи (P)нинг ўзгармаслиги $\{S, L, K, P = Const\}$

5. Сотиш нархида фойда олиш имкониятининг таъминланганлиги, яъни сотиш нархининг ўзгарувчан харажатлар ҳажмидан юқорилиги: $P > VC$

6. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажмининг тенглиги

7. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таркиби (Q_i)нинг ўзгармаслиги

$$Q = \sum_{i=1}^n Q_i \quad (i - const.)$$

8. Сотидан тушган тушумнинг маҳсулот ҳажмига мутаносиблиги $TR = P \cdot Q$

Ушбу бошланғич шартлар туркумидаги кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, ҳар бир кўрсаткичнинг чегаравий миқдорларини ҳисоблашда қуйидаги муносабатлар ишлаб чиқилди:

1. Доимий, ўзгарувчан харажатлар ва сотув нархи асосида харажатлар қопланишини таъминлайдиган беziён ишлаб чиқариш ҳажмининг қуйи чегараси ҳисоби:

$$\min Q = \frac{FC}{P - VC}$$

2. Белгиланган маҳсулот ҳажми, доимий ва ўзгарувчан харажатлар асосида сотиш нархининг энг қуйи чегараси ҳисоби:

$$\min P = \frac{FC + VC \cdot Q}{Q}$$

3. Белгиланган сотув нархи ва маҳсулот ҳажми асосида доимий ва ўзгарувчан харажатлар ҳажмларининг энг юқори (\max) чегаралари ҳисоби:

$$\max FC = (P - VC) \cdot Q$$

$$\max VC = \frac{PQ - C}{Q}$$

4. Белгиланган маҳсулот ҳажми, сотиш нархи, доимий ва ўзгарувчан харажатлар асосидаги энг юқори фойда ҳисоби:

$$\max PR = \frac{(P - VC)Q - FC}{Q}$$

Ушбу муносабатлар тизимидаги ишлаб чиқаришнинг беziён чегараларини мустақкамлайдиган кўрсаткичлар жумласига - P , PR ва Q кабиларни, серхаражатлилик кучайишига таъсир қилувчи кўрсаткичлар жумласига - FC ва VC кабиларни келтириш мумкин.

Диссертацияда маржинал моделлаштиришнинг энг қулай тадбиғи сифатида чизикли функционал боғланишдаги кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

1. Бу тизимдаги харажатлар ва даромадларнинг беziёнлик мувозанати қуйидагича ифодаланади:

$$TC = TR$$

$$FC + VC \cdot Q = PQ$$

$$Q(P - VC) = FC$$

$$Q = \frac{FC}{P - VC}$$

2. Беziёнлик мувозанати аниқлангандан сўнг маржинал харажат ҳисобига ўтилади. Маржинал харажат (MC) деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кичик миқдорга (Δq), масалан бир бирликка ўзгартирилганда (оширилган ва камайтирганда) умумий харажат ўзгарган қисми (ΔTC) тушунилади. Маҳсулот ҳажми билан харажатлар ўртасидаги тўғри пропорционалликка кўра:

$$MC = \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = \frac{\Delta(FC + VC)}{\Delta Q} = \frac{\Delta FC}{\Delta Q} + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = 0 + \frac{\Delta VC}{\Delta Q} = MVC$$

Демак, $MC = MVC$

3. Маржинал даромад (MR), яъни қўшимча бир бирлик маҳсулотни сотиш ҳисобига эришилган умумий даромаднинг ўсган қисми қуйидагича аниқланади:

$$MR = \frac{\Delta TR}{\Delta Q} = \frac{\Delta(PQ)}{\Delta Q} = P \cdot \frac{\Delta Q}{\Delta Q} = P$$

яъни $MR = P$

4. Пахтачилик хўжаликларида пахта хом ашёси бир неча марта терилганлиги ва турли навларга топширилганлиги сабабли ҳар бир терим ва навнинг нафлилигини асослашда маржинал даромад ва маржинал харажатлар орасидаги тафовут таққосланади ва сотув нархининг маржинал харажатдан кам бўлмаслиги талаб этилади.

$$\frac{\Delta TR}{\Delta Q} - \frac{\Delta TC}{\Delta Q} = MR - MC$$

яъни $MR \geq MC$ ёки $P \geq MC$

5. Юқоридаги кўрсаткичларнинг кетма-кет ҳисоблари асосида хўжалик фаолияти моливий натижаларининг (фойда ва зарар) хўжалик салоҳиятига таъсир даражаси ҳисобланади:

$$S = \frac{TR - TC}{TR} = \frac{nR}{TR};$$

Ушбу кўрсаткич қийматлари асосида моливий вазият барқарорлиги мутлақ, меъёрий, номеъёрий (хатарсиз) ва банкротик гуруҳларига ажратилди.

Мутлақ хатарсизлик вазияти хўжаликнинг барқарор ривожланиш имкониятидан далолат беради. Бунинг учун мазкур кўрсаткичнинг номинал даражаси инфляция кўрсаткичидан юқори бўлган реал ўсиш суръатларини таъминлаши керак бўлади.

Меъёрий хатарсизлик вазияти хўжалиқдаги молиявий иқтисодий кўрсаткичлар изчил ўсиш тенденцияларини таъминлайди.

Номеъёрий хатарсизлик вазияти хўжалик молиявий иқтисодий аҳволнинг ёмонлашувига мойиллигидан далолат беради.

Бундай вазиятлар учун кўпроқ амалиётда санация тадбирлари қўлланилади.

Банкротлик вазияти хўжалиқда ишлаб чиқариш режаларининг барбод бўлиши, салбий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар туфайли юзага келади.

6. Маржинал таҳлилнинг пахтачилик соҳасига тадбиғининг график усулдаги баёни ишлаб чиқилди. Бунинг учун ихтиёрий пахтачилик хўжалигидаги йғим-терим мавсуми вазияти таҳлил этилди.

Диссертацияда ресурслар тақчиллиги шароитида давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хом ашёси ҳажмини хўжалик имкониятлари билан мувофиқлаштиришга қаратилган «оферта-акцепт» тизимида беэён ишлаб чиқаришни таъминлаш механизмининг моделлари ишлаб чиқилди. Шартномавий муносабатлар тизимида оферта тушунчаси - тарафлардан бирининг ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш бўйича шартнома тузиш тўғрисидаги таклифи, «акцепт» эса иккинчи тарафнинг имкониятлардан келиб чиқувчи таклифга нисбатан розилигини аниқлатади.

Таклиф этилган модел хўжалик ва тайёрловчи манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлашга асос бўлади. Чунки «оферта-акцепт» қоидаларига амал қилингандагина амалиётдаги қийинчиликларга барҳам бериш имконияти вужудга келади:

Модел қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. Хўжалик ишлаб чиқариш ҳажми имкониятиларини ер майдонларининг кадастр кўрсаткичлари асосида ҳисоблаш тартиби.

1.1. Пахта хом ашёси учун ажратилган экин майдонларининг балл-бонитет асосидаги сифат тавсифини ҳисоблаш тартиби.

$$\sum_K \sum_S \alpha_{KS} X_{KS} = B \quad X = \sum_K \sum_S X_{KS}$$

Бу ерда:

α_{KS} - K -чи контурдаги S -чи тузилма экин майдони бирлигининг балл-бонитети; X ва X_{KS} - пахта хом ашёси учун ажратилган экин майдони, га; B - хўжалик бўйича пахта хом ашёси учун ажратилган экин майдонининг умумий балл-бонитети.

1.2. Пахта хом ашёси ишлаб чиқариш бўйича ер ресурсларининг меъёрий салоҳияти ҳисоби.

1 га экин майдонининг ҳосилдорлиги (U_{KS}):

$$U_{KS} = 0.4 \cdot \alpha_{KS}$$

жами ҳосил ҳажми (Q) ҳисоби

$$Q = 0.4 \cdot B \quad \text{ёки} \quad Q = \sum_K \sum_S U_{KS} X_{KS}$$

1.3. Ер майдони ва ҳосилдорлик асосида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар мажмуаси асосида жами технологик сарфиётларнинг таркибий тузилиши қуйидагича ифодаланади:

$$TC = f(s, u, \beta, i, m, w, p)$$

Ушбу сарфиётлар ҳажми икки манба – ер майдони ва ҳосилдорлик миқдорига кўра ҳисобланади. Сарфиёт ҳажми экин майдони асосида ҳисобланса, доимий харажатларни, ҳосилдорлик ва маҳсулот ҳажми асосида ҳисобланса ўзгарувчан харажатларни вужудга келтиради.

$$FC = \sum_{i,k,s} (P_i^1 \cdot l_i + P_i^m \cdot m_i) \cdot X_{iks}; \quad X = \sum_{i,k,s} X_{iks}$$

$$FC' = FC / X$$

$$VC = \sum_{i,k,s} (P_i^1 \cdot l_i' + P_i^m \cdot m_i') \cdot U_{ks} \cdot X_{iks}$$

$$VC' = VC / Q$$

$$TC = FC + VC$$

Бу ерда:

t - агротехник тадбир;

l_i, l_i' - экин майдони ва маҳсулот бирлиги учун меҳнат сарфи меъёри;

m_i, m_i' - моддий омил ва хизматлар сарфи меъёри;

Меъёрий салоҳият шароитида беэиён ҳосилдорлик ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳисоби:

$$U_o^N = \frac{FC}{P_o - VC'}$$

$$Q_o^N = U_o^N \cdot X$$

Беэиён ишлаб чиқаришнинг ички меъёрий салоҳият асосидаги шартлари:

$$\begin{cases} Q > Q_o^N \\ P_o > \frac{FC + VC \cdot Q}{Q} \end{cases}$$

2. Тайёрловчининг кейинги йиллардаги хўжалик ишлаб чиқариши кўрсаткичлари ва давлат эҳтиёжидан келиб чиқувчи шартнома тузиш бўйича таклиф ҳажми қуйидагича ифодаланади:

$$\{Q^K, V^K, VC^K, TC^K, FC^K, P^K\} \in OFF(k)$$

Бу ерда OFF(k)-тайёрловчининг пахта хом ашёси ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлар асосидаги беэиён ишлаб чиқаришнинг бошланғич ҳажми ҳисоби:

$$P^K = \frac{\sum_i P_i Q_i^K}{\sum_i Q_i^K} \quad Q_o^K = U_o^K \cdot X$$

$$U_o^K = \frac{FC^K}{P^K - VC^K} \quad Q_o^K \leq \sum_i Q_i^K$$

3. Тайёрловчининг офферта таклифига ва хўжаликнинг меъёрий салоҳиятини таққослашда ишлаб чиқариш ҳажмининг беэиёнлигини таъминлаш кўрсаткичларини ҳисобга олиш талаб этилади. Бу эса шартномавий муносабатларни манфаатдорлик асосида ўрнатиш учун қуйидаги шартлар бажарилишини тақозо этади:

$$\begin{cases} Q_o^k \leq Q_o^N \\ Q^k \leq Q^N \end{cases} \text{ агар } U_o^k \leq U_o^N$$

Демак, шартнома тузишга хўжалик акцепт розилиги бериши учун юқоридаги шартлар бажарилиши керак бўлади.

4. Агротехник мувозанатлик шароитидаги йиғим-терим даврида пахта хом ашёси сотишни давом эттириш масаласини ҳал этишда меъёрий ҳосилдорликдан қутилаётган четланиш ҳажми асос қилиб олинади:

$$U^F = U^N \pm U^L$$

U^F - етиштирилган маҳсулотнинг қутилаётган ҳосилдорлиги миқдори;

U^L - меъёрий ҳосилдорликдан четланиш ҳажми.

$$Q^F = U^F \cdot X^F$$

Агротехнологик мувозанатсизлик шароитдан бошқа кўрсаткичлар мажмуасини $\{TC^F, FC^F, VC^F, P^F\}$ лар ташкил этади.

Бунда агротехнологик мувозанатсизлик шароитидаги беэиёнлик шартлари:

$$\begin{cases} U_o^F = \frac{FC^{rF}}{P^F - VC^{rF}} \\ Q_o^F = U_o^F \cdot X^F \end{cases} \left| \begin{cases} U_o^F \leq U_o^k \\ Q^F > Q^N \end{cases} \right.$$

Ушбу ҳисоблашлар асосида хўжаликдаги такрор ишлаб чиқариш жараёни беэиёнлигининг барқарорлигини акс эттирувчи қуйидаги транзитив муносабатлар кетма-кетлигини ҳосил қилиш мумкин:

$$\begin{cases} U_o^F \leq U_o^k \leq U^k \leq U^N \leq U^F \\ Q_o^F < Q_o^k < Q^k < Q^N < Q^F \end{cases}$$

Демак, ушбу транзитив тенгсизликлар тизимининг бажарилиши серхаражат манбаларнинг барча турларига барҳам беришга асос бўлади. Биринчи босқичдаги тенгсизлик қутилаётган ҳосилдорликнинг (U_o^F) беэиён нуқтаси, шартномавий беэиёнлик (U_o^k) нуқтасидан кичик бўлишлигини, иккинчи босқичда эса, шартномавий беэиёнлик (U_o^k) нуқтасининг шартномавий ишлаб чиқариш ҳажмидан (U^k) юқори бўлмаслиги, учинчи босқичдаги тенгсизлик эса шартномавий ҳосилдорлик кўрсаткичининг меъёрий салоҳиятдан юқори бўлмаслигини, тўртинчи босқичда эса, қутилаётган ҳосилдорлик (U^F) ва ҳосил ҳажмини (Q^F) бошқа барча кўрсаткичлардан юқорилиги талаб этилади.

Диссертацияда хўжаликлар иқтисодий ночорлигига баҳо беришдаги мавжуд андозалардан бири-молиявий коэффициентлардан фойдаланишдаги такомиллаштирилган ёндашув ишлаб чиқилди.

Янги ёндашувнинг моҳияти - бухгалтерия баланси таркибий кўрсаткичларини жами баланс қийматидаги салмоғига кўра, талқин этишдан иборат. Бундай умуммезоний ёндашув молиявий вазиятга тўғридан-тўғри баҳо бериш имкониятини шакллантиради (2-жадвал).

Қўлланилган шартли белгилар: A_1 - узоқ муддатли активлар; A_2 - айланма активлар; Π_1 - ўзлик маблағлари; Π_2 - мажбуриятлар; $Y_{\text{кк}}$ - узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар; M - мораторий қилинган тўловлар; БЖ - жами баланс қиймати.

2-жадвал. Баланс таркибий тузилишининг молиявий салоҳиятга таъсири

Чегаравий ўтиш нуқталари учун муносабатлар тизими		«қ» муносабатидан «≥» муносабатига ўтишнинг молиявий салоҳиятга таъсири	
№	1	2	
1	$A_2 = A_1$	$A = 0,5БЖ$	ёмонлашади
2	$\Pi_1 = \Pi_2$	$\Pi_1 = 0,5БЖ$	яхшиланади
3	$Y_{\text{кк}} + M = 0,5A_2$	$Y_{\text{кк}} + M = 0,25БЖ$	яхшиланади
4	$Y_{\text{кк}} = 0,1A_2$	$Y_{\text{кк}} = 0,05БЖ$	яхшиланади
5	$M = 0,4 A_2$	$M = 0,2БЖ$	яхшиланади

Ушбу жадвал орқали молиявий вазият ёмонлашишига барҳам бериш учун қайси кўрсаткичларга беvosита устуворлик талаб этилиши намоён бўлади. Қуйидаги ҳолларда ҳар бир хўжалиқдаги барқарорлик имкониятлари мустаҳкамланади:

1. Ўзлик хусусий маблағлар салмоғининг жами баланс қийматда ортиб бориши.

2. Мажбуриятлар таркибида қисқа муддатли қарзлар, кредитлар ва тўловлар салмоғининг камалигини таъминлаш.

3. Ночор хўжалиқлар учун узоқ муддатли қарзлар, кредитлар ҳамда мораторий қилинган тўловларни кўпроқ жорий этиш.

4. Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик ва самарали экинлар таркиби.

Диссертацияда ишлаб чиқариш омиларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишнинг оптималлаштириш усулига асосланган математик модель ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу моделда иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги туб силжишлар, яъни тайёрланадиган пахта хом ашёси ҳажмидаги давлат буюртмаси салмоғи ва нарх тизимидаги хусусиятлар акс эттирилади.

Тузилган модель чизиқли муносабатларда ифодаланган бўлиб, ресурслар таъминотининг мавжуд шароитидан келиб чиқувчи юқори ҳосил йиғиштириб олиш функцияси ва тегишли чекланишлар тизимидан иборат.

Чекланишлар тақчил ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб қилувчи тенглик ва тенгсизликлар кўринишида ифодаланади.

Таклиф этилган ушбу моделнинг пахтачилик хўжалиқлари бизнес-режа кўрсаткичларини асослашда қўлланилиши ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Айниқса, мутлақ ва нисбий, миқдорий ва қиймат кўрсаткичларининг ўзаро устуворликларини ва алоқадорлигини ишлаб чиқишда муҳим восита ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра пахтачилик хўжаликлари фаолиятига давлат аралашувини такомиллаштириш йўналишлари гуруҳлаштирилди. Хусусан, нархнинг рағбатлантирувчилик функциясини таъминлашдаги компенсация, субсидия, максимал ва минимал нархлар бўйича қоидаларни пахтачилик хўжаликларига тадбиқ этиш хусусиятлари ҳамда уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинди. Жумладан, компенсация ва субсидия тўловлари пахтачилик хўжалиklarининг ресурслар бозоридagi (ёниги-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлик ва бошқалар) йўқотишларига барҳам беришни кўзда тутлади.

Давлат эҳтиёжидagi маҳсулотларга нарх белгилаш максимал нарх қоидаси асосида амалга оширилади.

Максимал нархлар хўжаликнинг мавжуд нархлар шароитидagi харажатларининг қопланишидаги чекланишларни аниқлатади. Бундай қоида хўжалик харажатлари қопланишини кафолатламайди.

Умуман олганда, тадқиқотларнинг натижаларига кўра, компенсация, субсидия каби тадбирлар хўжалик имкониятига ижобий таъсир кўрсатиш учун зарурий шарт ҳисобланади, етарлилик шартини таъминламайди. Аслида молиявий мувозанатсизликка барҳам беришнинг энг муҳим воситаси - паритет нарх индекси ҳисобланади. Паритет нарх индекси доимий агрегат нарх индексининг агротехник тадбирлар тизими сарфиёти индексига нисбатининг ўзгармаслигини талаб этади:

$$P_i = \frac{\sum P_{ii} \cdot Q_{ii}}{\sum P_{oi} \cdot Q_{ii}} \times \frac{T^i(P_o)}{T^i(P_i)} = const$$

$T^i(P_o \cdot x_{ks} \cdot Q_o)$, $T^i(P_i \cdot x_{ks} \cdot Q_o)$ - базис ва жорий нархларга асосланган жорий агротехнологик тизим сарфиётлари.

P_{ii} , P_{oi} - маҳсулот i -навининг базис ва жорий йилдаги нархлари.

Q_{ii} - маҳсулот i -навининг жорий йилдаги ҳажми.

Диссертацияда паритетлик индекси механизми босқичма-босқич тадбиқ этишга оид таклифлар баён этилган ва паритет нарх ўтишнинг нафақат хўжаликлар харажатлари қопланишидаги, балки макроиқтисодий ўсишнинг муҳим воситаси эканлиги ҳам таъкидланган.

Юқорида таъкидланганидек, паритет нарх мезонининг бузилиши ишлаб чиқариш ресурслари тақсимотида нафлироқ экинга интилишни кучайтиради. Яъни кўпроқ қониқиш ҳосил қилинадиган экинлар учун ресурслар тақсимотига эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам диссертацияда истеъмол назариясининг ресурслар самарали танловини таъминлайдиган нафлилик функцияси, бюджет тенгламаси «нарх-истеъмол», «даромад-истеъмол» каби қоидалари асосидagi ҳисоб-китоблар тартибининг қуйидаги функционал тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларига кўра, юқори қониқиш кўрсаткичларига эришишда бюджет маблағлари ҳажмининг пасайишига эътибор кучайтиришнинг аҳамиятлилиги юқори бўлган. Умуман олганда, ишлаб чиқаришда энг юқори нафлилик кўрсаткичларини камда 2,22 марта, ресурслар меъерий сарфиётини 20 фоизга камайтириш талаб этилади.

Диссертацияда пахтачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш имкониятларига тўлиқроқ баҳо беришда пахта ва галла ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этишда корреляция-регрессия усулидан фойдаланилди.

Регрессия тенгламаси тузиш учун 1994-2001 йилдаги пахта ва галла ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асос қилиб олинди. Тенгламадаги эркин-омил (экзоген) ўзгарувчилар сифатида - пахта хом ашёси ҳажми, боғлиқ - натижавий (эндоген) ўзгарувчилар сифатида галла ҳажми қабул қилинди. TSP ва Excel да амалга оширилган ҳисоблашларга кўра, ишлаб чиқариш имкониятлари тенгламаси қуйидаги кўринишни ташкил этди:

$$Y = 0.001X^2 + 5.7941X - 4867.9 \quad (R^2 = 0.6116; R = 0.7821)$$

Пахта хом ашёси ва галла ишлаб чиқаришнинг ушбу боғланиш таҳлили учун чеки трансформация ҳамда эластиклик коэффициентлари усулидан фойдаланилди.

Ҳисоблашларга кўра, эластиклик коэффициентининг мусбат қийматлари, яъни пахта хом ашёси ва галла ишлаб чиқаришнинг тўғри пропорционалик даражаси фақат пахта хом ашёси ҳажмини 2800-2910 минг тонна даражасида эришиган. Хусусан, 2905 минг тонна пахта хом ашёси ҳамда 3524,93 минг тонна галла ҳажмининг ўзаро мослик нуқтасида энг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таъминланган. Ушбу жадвал маълумотларидан мамлакатда пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ва галла етиштиришга бўлган давлат эҳтиёжларини белгилашдаги энг мақбул кўрсаткич сифатида 2950-3100 минг тонналик пахта хом ашёси ҳажмини тавсия этиш мумкин. Яқин 2-3 йил ичидаги оферта-акцепт шартномавий муносабатларга ушбу кўрсаткичларни асос бўлиб хизмат қилиши ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг зарурий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги регрессия тенгламасида пахта ва галла етиштиришни ўзаро тескари боғлиқликдаги негизини аниқлашда нарх ва маҳсулот миқдори боғлиқлигини ифодаловчи галла ва пахтанинг регрессия тенгламалари ишлаб чиқилди. Яъни нархнинг кейинги йилларда ошиши галла ишлаб чиқаришни рағбатлантирсада, пахтачиликни рағбатлантирмаган.

Галла таклифини ифодаловчи регрессия тенгламасининг кўрсаткичли функцияси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$Y = 682.5 \cdot e^{1E-06x}, \quad (R^2 = 0.9321)$$

Галла ишлаб чиқаришнинг таклиф функцияси ўсувчи бўлиб, бунда боғлиқ ўзгарувчи сифатида - нарх, эркин ўзгарувчи сифатида - галла ҳажмини ифодаланган. Айниқса, ушбу функциянинг детерминация коэффициенти $R^2 = 0.9321$ боғлиқликнинг зичлигини ифодалайди.

Пахта хом ашёси ҳажмининг нархга нисбатан таклиф функциясини тескари пропорционалик муносабатидаги квадрат функция ифодалайди:

$$Y = 0,0199x^2 - 185,04x + 429341$$

Ушбу муносабатда боғлиқ ўзгарувчи - нархнинг эркин ўзгарувчи - пахта хом ашёси ҳажмига тескари пропорционалиги ифодаланган.

Албатта, ҳисоблашлар ва уларнинг боғлиқликлари номинал нархларда олинсада, пахта хом ашёси рағбатлантирилиши галлага нисбатан ортда қолаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, таклиф ҳажмини белгилашда фақат нарх омили ҳисобга олинсада, бундай чекланиш ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдаги умумий тенденцияни инкор этмайди.

Ушбу тадқиқотнинг натижалари нарх паритетини тиклашни кечиктирмасликни тақозо этади. Акс ҳолда, ресурслар самарасизлиги ва ер унумдорлигининг пасайишига барқам беришнинг амалий имкониятлари камайиб боради.

3. ХУЛОСА

1. Сурункали равишда мамлакатимиздаги пахтачилик хўжалиklarининг қарийб ярмида давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етиштириш бўйича контракция шартномаларининг бажарилмаётганлиги, айти чоғда уларнинг аксариятида қелишилган пахта ҳажмининг учдан бир қисмигача салмоғи удаланмаётганлиги ички ва экспорт салоҳиятимиз мустаҳкамланишига панд бераётганлигини намоён этди. Шу боис диссертацияда пахтачиликдаги эркинлаштириш сиёсатининг ижобий натижалари ва мавжуд нуқсонларини изчил таҳлил этиш, ҳолис баҳолаш, устувор вазифаларни белгилаш ва истиқбол башоратида тизимий-эконометрик ёндошувга устуворлик талаб этилди.

2. Таҳлилларга кўра, сўнгги ўттиз йиллик умумжаҳон миқёсидаги пахта хом ашёси ишлаб чиқаришнинг биринчи ярмида изчил ўсишлар, иккинчисида эса барқарорлик бўлса, миллий пахтачилигимизнинг кейинги давридаги кўрсаткичларида жиддий пасайиш давом этаётганлиги аниқланди. Хусусан, ҳосилдорликнинг 27,2 ц/га дан 21,0 ц./га пасайиши кузатилди.

3. Айтиқса, пахтачилик хўжаликларидаги суғориладиган экин майдонларининг қарийб 4/5 қисмида давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва галла маҳсулотлари етиштирилаётганлигининг ўзи ҳам давлат аралашувидаги маъмурий дастакларга нисбатан иқтисодий дастаклар устуворлигига ўтиш заруриятини тасдиқлади. Бунинг учун айирбашлашнинг илғор хорижий тажрибасидаги паритетлик концепциясини тадбиқ этиш талаб этилади. Диссертацияда нарх паритетининг тикланиш даражасига қараб, давлат аралашуви самарадорлигига баҳо бериш таклиф этилди.

4. Пахтачилик хўжаликларидаги иқтисодий ночорлик вазиятларига барқам бериш учун молиявий-иқтисодий ва агротехник тадбирлар тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар ишлаб чиқилди. Хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолашдаги ахборотларга қўйиладиган талаблар таркиби (миқдорий асосланганлик, ҳаққонийлик, тизимлик ва бошқалар) аниқлаштирилди. Бу талаблардан молиявий барқарорликнинг турли (мутлоқ, меъерий, номеъерий ва инқирозли) вазиятларини баҳолаш коэффицентларини ҳисоблашда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилди.

5. Аксарият хўжаликлар молиявий салоҳиятига панд бериб келаётган тайёрлов режасини зўраки удалаш амалиётидан воз кечишни ташкил этишда маржинал моделлаштириш усулини тадбиқ этиш таклиф этилди. Чунончи, маржинал ёндошув харажатлар қопланишининг, беэиён ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этишнинг энг илғор усулларида ҳисобланганлиги сабабли пахтачиликдаги беэиён ишлаб чиқариш функциясининг таркибий тузилишидаги хусусиятларга эътибор қаратилди. Жумладан, йигим-терим харажатларининг чегаравий нуқтаси

сифатида пахта хом ашёсининг харид нархи (P), маржинал даромад (MR) ва маржинал харажатларнинг (MC) ўзаро мувозанатлашув ($MR = MC = P$) қондаси қабул қилинди.

6. Тадқиқотда беэиён ишлаб чиқаришга ўтишнинг муҳим омилларидан бири—бўйртмачи ва хўжаликлар ўртасида товар-пул айирбошланувидаги контрактация шартномалари эканлигини ҳисобга олиб, уларни илмий-амалий асослашнинг модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Алгоритмларда турли шароитларда тайёрланадиган пахта хом ашёсининг ўзаро устуворлик тартиботини аниқлаштирувчи транзитив тенгсизликлар тизими тақлиф этилди.

7. Хўжаликлардаги молиявий вазиятларни тавсифлаш коэффициентларининг метёрий чегараларидан четланишни баргараф этувчи модел ва алгоритмлар тизими ишлаб чиқилди. Бунда молиявий заифликдан иқтисодий бардошлилик мустаҳкамланишига ўтишнинг бошланғич шартлари эконометрик асосланди. Шунингдек, давлат бўйртмаси салмоғи ва харид нархлари имкониятларини ҳисобга олувчи ҳамда хўжаликдаги тақчил ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларини кўзда тутувчи чизиқли оптималлаштириш модели ишлаб чиқилди. Хўжаликлар бизнес-режасининг самарали кўрсаткичларини асослашда ушбу моделни тадбиқ этиш тавсия этилди.

8. Нарх паритети муаммосини ҳал этишда истеъмол назарияси қондаларига асосланган моделлаштиришни тадбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Бундай моделлаштириш нарх ва даромад кўрсаткичларининг ўзгариши асосидаги «алмаштириш самараси» ва «даромад самараси» тамойилларини ифода этади. Бу эса пахтачиликдаги «нарх истеъмол» ва «даромад истеъмол» функционал чизиқларини шакллантиради.

Эконометрик ҳисоблашлар учун хўжаликлардаги ўзаро ўриндош товарлар, яъни пахта хом ашёси ва ғалланинг кейинги беш йиллик тенденцияси асос қилиб олинди. Нафлилик функциясини изоҳлашда пахта ва ғалла етиштириш учун зарур бўлган ресурс маблағларига талаб конъюктурасининг имитация вариантларидан фойдаланилди. Натижаларга кўра мавжуд шарт-шароитлар сақланганда пахта ва ғалла етиштиришдаги ўзаро нафлиликнинг қайта тақсимланиши содир бўлмайди, яъни пахта хом ашёси тайёрлаш 3 млн тонна ҳажмида сақланиб, ғалла етиштиришни 6,5 млн тоннагача ортиши кутилмоқда. Бироқ, нафлилик функциясида пахтанинг нафлилиги икки марта оширилганда ҳам жиддий қайта тақсимлаш рўй бермаслиги, яъни пахта хом ашёси тайёрлашнинг 3,5 млн. тоннага етиши, ғалланинг эса 5,5 млн. тонна даражаси билан чекланиши таъкидланади.

9. Оқоридаги тенденциялар ўзаро ўриндош товарлар - пахта хом ашёси ва ғалла ишлаб чиқаришнинг корреляция-регрессия усулидан қўлланилгандаги башоратида ҳам намоён бўлди. Жумладан, пахта хом ашёси ишлаб чиқаришнинг тақлиф функциясида нарх ва миқдор ўртасидаги тескари мутаносиблик, ғалла ишлаб чиқаришнинг тақлиф функциясида тўғри мутаносиблик кузатилди. Мазкур функцияларнинг чекли трансформация ва эластиклик коэффициентлари таҳлилда эса пахта хом ашёси бўйича давлат бўйртмаси ҳажми 2 млн 905 минг тонна, ғалла бўйича 3 млн 524 минг тонна белгиланиши ишлаб чиқариш

имкониятларидан оқилона фойдаланиш шарт-шароитларини мустақкамлайди. Ёхуд пахта хом ашёси бўйича давлат буюртмаси 2 млн 950 минг - 3 млн 100 минг тоннадан юқори бўлмагандагина ишлаб чиқаришнинг зиёллигига барҳам бериш учун иқтисодий замин яратилади. Айни чоғда, мавжуд нарх сиёсати галла ишлаб чиқаришга бўлган мойиллик ўсишини ҳам рағбатлантиради.

4. ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Қаюмова Н.О. Пахтачиликда ислохотларни чуқурлаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 10-11-сонлар - Тошкент, 2001. 10-11 бетлар.

2. Қаюмова Н.О., Абдурахимов А.У. Пахтачилик иқтисодиёти самарадорлигига эришишда алгоритмик мажмуаларининг қўланилиши // Алгоритмлаш ва дастурлашнинг замонавий муаммолари. Илмий конференция маърузаларининг тезислари, 2001 йил, 5-7 сентябрь, 281-282 - бетлар.

3. Қаюмова Н.О., Абдурахимов А.У. Эконометрические реформы в хлопководстве // Аграр фани: ютуқлари ва истиқболлари - Халқаро илмий-амалий конференция маърузаларининг тезислари, 2002 йил, 1-май, 359-361- бетлар.

4. Қаюмова Н.О. Хлопок Узбекистана. Проблемы и перспективы развития // Cascade Russian published in Baltimor. США. 2002 июль.

5. Қаюмова Н.О., Абдурахимов А.У. Опыт государственной поддержки сельских товаропроизводителей // «Совершенствование процесса обучения экономическим дисциплинам в аграрных вузах Узбекистана» - Материалы международной конференции, 2004г. 1-4 марта, с. 72-75.

6. Қаюмова Н.О. Состояние и перспективы развития хлопководства в Республике Узбекистан. «Иқтисодиёт ва таълим». 2004г. №1.

Тадқиқотчи:

Н. Қаюмова

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: Пахтачилик хўжаликлари, эконометрик моделлар, маржинал таҳлил, моделлаштириш, эркинлаштириш, иқтисодий ночорлик, монополия, монопосония, бозор шароити, беэиёнлик нуктаси, пахта хом ашёси, галла, молиявий салоҳият, истеъмол бозори, давлат буюртмаси, ишлаб чиқариш омиллари.

Тадқиқот объеклари: Мамлакат қишлоқ хўжалигининг пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалик ширкатлари ва фермер хўжаликлари тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Пахтачилик хўжаликлари иқтисодий ночорлигига барҳам бериш, молиявий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланишни таъминлайдиган эконометрик моделлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методи: Тизимли, корреляцион-регрессион ва маржинал таҳлил, индекслаш ва оптималлаштириш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Аграр ислохотлар ва иқтисодий эркинлаштириш жараёнига тизимий баҳо бериш услуги такомиллаштирилади; жаҳон ва Ўзбекистонда пахта хом ашёси ишлаб чиқаришнинг сўнги чорак асрдаги динамикаси танқидий таҳлил этилди ва хориж тажрибасини татбиқ этиш имкониятлари ҳамда деҳқончилик маданиятини ошириш усуллари асослаб берилди; хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларининг (барқарорлик, ликвидлик, тўловчанлик) назарий-услубий асослари ишлаб чиқилди; иқтисодий ночор хўжаликларни санацаяга тортиш тартиби таҳлил этилди; зиёли фаолият кўрсатишни бартараф этиш хусусиятлари очиб берилди; хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг беэиёнлик ҳажмини асослашда маржинал усулни тадбиқ этиш асосидаги моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берувчи хўжаликлар молиявий салоҳиятини баҳолашнинг таркибий кўрсаткичлари такомиллаштирилди; иқтисодий ночорлик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилди; моделлаштириш амалиётида беэиён ишлаб чиқаришни маржинал усул билан такомиллаштириш хусусиятлари тақлиф этилди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий ишланмалар ва тавсиялар пахтачилик хўжаликларида бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, пахта ва дон тайёрлаш ҳажмини прогноз қилиш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш чора тадбирларини асослашда қўлланилади. Булар вилоят хўжаликларида меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш ҳамда пахта ва дон ишлаб чиқаришни кўпайтиришда имкониятлар очиб беради. Услубий тавсияларимиз Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан хўжаликларда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўллаш соҳаси: илмий ишнинг асосий натижалари ва хулосаларини пахтачилик хўжаликлари фаолиятида самардорликни таъминлашда ва уларнинг истиқболда ривожланишини режалаштириш жараёнида қўллаш мумкин.

диссертации Каюмовой Наргизы Озодовны на тему: «Эконометрическое моделирование механизма организации развития хлопководческих хозяйств» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 -«Эконометрика и статистика»

Ключевые слова: хлопководческие хозяйства, эконометрические модели, маржинальный анализ, моделирование, либерализация, экономическая несостоятельность, монополия, монополия, условия рынка, точка безубыточности, хлопковое сырьё, зерно, финансовый потенциал, состоятельность, потребительский рынок, государственный заказ, производственные факторы.

Объектом исследования являются сельскохозяйственные ширкаты и фермерские хозяйства в сельском хозяйстве страны, специализированные на хлопководстве считаются объектом исследования.

Цель работы: разработка системы эконометрических моделей механизмов организаций обеспечивающих ликвидацию экономической несостоятельности хлопководческих хозяйств, укрепление их финансового потенциала и устойчивого развития.

Метод исследования: методы системного корреляционно-регрессионного и маржинального анализа, методы индексации и оптимизации.

Полученные результаты и их новизна: усовершенствованы методические основы системной оценки процессов аграрных реформ и либерализации экономики; критически проанализирована динамика производства хлопка сырья в мире и Узбекистане за последние четверть века и обоснованы возможности применения зарубежного опыта, а также повышения культуры земледелия; разработаны теоретико-методические основы оценочных показателей (устойчивость, ликвидность, платежеспособность) финансового потенциала деятельности хозяйств; проанализирован порядок привлечения к санации экономически несостоятельных хозяйств; раскрыты особенности устранения ликвидации убыточной деятельности; разработаны модели и алгоритмы с применениями маржинальных методов обоснования объема убыточности производства в хозяйствах.

Практическая значимость работы: усовершенствованы структурные показатели оценки финансового потенциала хозяйств, производящие продукцию для государственных запросов; разработаны методы выявления и ликвидации причин экономической несостоятельности хозяйств предложен с применением маржинального метода подхода к совершенствованию практики моделирования безубыточности производства.

Степень применения и экономическая эффективность: научные разработки и рекомендации по составлению бизнес планов в хлопководческих хозяйствах, по прогнозированию объема заготовки хлопка и зерна по финансовому оздоровлению экономически несостоятельных предприятий применяются для обоснования мероприятий, выработанных в диссертации. Они открывают возможности сбережения трудовых и материальных ресурсов в хозяйствах области, а также увеличения производства хлопка и зерна. Предложенные методические рекомендации приняты Управлением сельского и водного хозяйства Ташкентской области для применения их при совершенствовании договорных отношений в хозяйствах.

Область применения: основные результаты и выводы можно применить для обеспечения эффективности деятельности хозяйств и в процессе планирования их перспективного развития.

RESUME

of dissertation of Kayumova Nargiza Ozodovna on theme "Econometric modeling for organizing mechanism of development on cotton growing farms" for getting the degree of candidate of Economic sciences on speciality 08.00.06 – "Econometrics and statistics".

Key words: cotton-growing farms, econometric models, marginal analysis, modeling, liberalization, insolvency, monopoly, monopsony, market condition, point of breakeven, cotton row - material, wheat, financial capacity, solvency, consumption market, state order, factors of production.

Subject of research: cotton growing rural shirkats and farming in agriculture of the country is the subject of research.

Aim of research: working out system of economic modeling in organizations that liquidate insolvency on cotton growing farms; strengthening their financial capacity and sustainable development.

Method of research: systematic correlated and regression analysis, marginal analysis, and methods of index calculus and optimization.

Obtained results and their novelty: the methodological basics of systematic evaluation of land reforming process and economic liberalization has been developed; critically has been analyzed cotton manufacturing dynamics in the last quarter of this century in the world and in Uzbekistan, have been proven some methods of level of culture in development of agriculture and potentials to apply foreign experience; theoretical-methodic basis of evaluation indicators (sustainability, liquidity, paying capacity) of farms' financial capacity has been worked out; has been analyzed the order of readjustment involvement for insolvent farms; some features of liquidation reconciliation of disadvantageous activity has been disclosed; some models and algorithms have been worked out by marginal methods to prove volume of production unprofitableness.

Practical importance of the research: structural indicators of financial capacity evaluation of farms that produce products for state needs have been updated; have been worked out the methods to specify the reasons of insolvency and their liquidation; has been proposed to apply to the approach of marginal method for updating breakeven modeling practice in production.

Standard of implementation and economic effectiveness: the worked out scientific recommendations and developed methods in dissertation can be applied on cotton-growing farms to work out business plans, to forecast volume of wheat production, to ground improving measures in insolvent establishments. They reveal possibilities to save material resources and labor in farms, and also help increase cotton and wheat production. The Board of agriculture and irrigation of Tashkent region accepted suggested methodological recommendations.

Sphere of usage: the main results and conclusions of this dissertation can be used to provide effectiveness on cotton -growing farms' activity and to plan their further development.